

PRESCHOOL EDUCATION AS A SEPARATE TYPE OF CONTINUOUS EDUCATION

Rustamova Mavluda Erkinovna

Senior teacher, Preschool education organizations
redesign of the director and specialists
Institute of training and development

Annotation.

This article deals with the organization of the educational process, the essence of the state program "First Step", the interests of the preschool children, their potential, individual mental and physical characteristics, spiritual and cultural needs, as well as the need for cultural protection. and each side of development is reflected in the acquisition of social experience.

Keywords. Competence, development, volunteerism, individualization

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда олиб борилаётган туб ислохотлар ҳамда ривожланишнинг тезкор суръатлари фонида мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим тизимига болалар қамровини кўпайтириш, мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёнлари сифатини такомиллаштириш бу борадаги энг муҳим вазифалар сифатида кун тартибига қўйилди.

Болаларга таълим-тарбия беришда мактабгача таълим ташкилотларида яратилган шарт-шароитлар, ижтимоий-маънавий муҳит, педагог ходимларнинг касбий компетенциялари алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси болалар билан энг кўп вақт ўтказадиган педагог ҳисобланганлиги учун унинг касбий маҳоратини доимий ривожлантириш, педагогик инновациялар билан таништириб бориш, уларнинг ўз устида мунтазам малака оширишлари учун етарли шарт-шароитларни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди уни ижросини таъминлаш мақсадида эса, Ўзбекистон Републикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги "Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида"ги 802-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва Мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастури тасдиқланди.

Узлуксиз таълим тизимининг қуйи босқичи бўлган мактабгача таълим дастурини болаларни мактаб таълимига тайёрлашда қуйидаги принципларга асосланади:

- бола ҳуқуқлари, унинг ўзига хос ривожланиш хусусияти ва салоҳиятини ҳисобга олиш;
- таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги;
- боланинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, унинг эҳтиёжлари, шу жумладан, ҳаракатланиш эҳтиёжларини қондириш;
- боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш;
- ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш;
- боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш;
- бола учун хавфсиз муҳитни таъминлаш;
- мактабгача таълим ташкилотининг оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги;



миллий, маданий, анъаналар қадриятини ошириш ва бошқа миллатлар маданиятига ҳурмат, бошқа миллатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати илк ва мактабгача ёшдаги болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш мақсадида республикада мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича беш йиллик Давлат дастурини ва Йўл харитасини ишлаб чиқди.

Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йилга мўлжалланган режасида тизимни яхшилаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан бир нечта чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган. Бу режанинг ютуқларидан бири бўлиб мактабгача таълим учун компетентли-йўналтирилган "Илк қадам" Давлат ўқув дастурининг ишлаб чиқиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирлиги томонидан тасдиқланган илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришга қўйиладиган Давлат талабларининг янгиланиши ҳисобланади.

Давлатнинг бу икки ҳужжати мактабгача таълим соҳасидаги бошқарув ва мактабгача таълим тизимидаги педагоглар турли хилдаги МТГларда таълим олувчи ҳар бир боланинг юқори сифатли таълим олишини таъминлаш мақсадларида йўриқнома сифатида фойдаланадиган асосий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Давлат дастури сифатида Илк қадам дастурининг алоҳида муҳимлиги шундан иборатки, бунда у ўз ичига ўқитишнинг педагогик мақсадларини олади, кун давомида боланинг таълим олиши тузилмасини таъминлайди, шунингдек, педагоглар бола ривожланишининг қайси энг муҳим жиҳатларига ўз диққатларини жамлашлари лозимлиги тушунилишини таъминлайди.

Давлат дастури бўлиш билан бирга "Илк қадам" дастури бутун мактабгача таълим тизимини тўлиқ қамраб оладиган ва уни тартибга соладиган ҳужжат бўлиб саналади. Мана шу билан "Илк қадам" дастури турли хил болалар гуруҳларига мактабгача таълимнинг бир хил сифатини таъминлашга мўлжаллангандир. Дастур педагогларга болалар учун рағбатлантирувчи ўқитиш муҳитини қандай қилиб яратиш ва бунга ота-оналарни ҳам қай йўл билан таълимга жалб қилишни тушуниш ва билиб олишга ёрдам беради.

Ушбу ўқув дастури энг яхши халқаро амалиёт ҳамда Жанубий Корея тажрибаси асосида ишлаб чиқилган. "Илк қадам" ўқув дастурининг асосий мақсади ҳаёти давомида узлуксиз ривожланишга қодир бўлган шахсни шакллантириш. Ушбу замонавий педагогик тизимнинг асосий ўзига хослиги болаларда ўқишга қизиқиш уйғотиш ҳисобланади. Бу эса болаларни таълим жараёнига қизиқтиришга алоҳида эътибор бериш керак деганидир. Бугунги болалар қаерда яшашидан қатъи назар доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экология, илмий-техникавий ва индустриал соҳаларда ўзгаришлар ҳамда янгиланишларга дуч келишади. Мазкур ислоҳатлар натижасида жамиятдаги муносабатларнинг, ҳаётий зарур касблар мажмуининг ҳам маълум маънода ўзгаришига олиб келади. Бу каби жараёнлар болаларнинг доимий равишда янги нарсаларни ўзлаштирилишини, бутун умри давомида ўқиб-ўрганиб боришини тақозо этади. Болаларни ўз билимини мустақил равишда тўлдириб бориш, кечаётган янгиланиш жараёнларига муносиб мослашиб боришга ўргатиш Дастурнинг асосий мақсадларидир. Бу дастур болаларда ҳозирги кун муаммоларини ҳал этиш учун ҳаётий зарур қобилият ва кўникмалар асосини яратишга ҳаракат қилади. Бунинг учун ҳар бир педагог ходим тинимсиз изланиши ва ўрганиши лозим.

Дастур уч ёшдан олти ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, у ҳар бир боланинг ҳаётий фаолият шароитларини ўзига хос равишда, алоҳида шакллантириш

(индивидуаллаштириш) мақсадида илмий асосланган ва тажрибада ўзини оқлаган усулларнинг оилалар ва уюшмалар билан ўз манфаатларини ҳам устувор билган ҳолда ўзаро ҳаракатини қўшиб олиб боришга асосланган. Дастур ҳар бир боланинг таълимга бўлган аниқ эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган бўлиб, турли маданий анъаналарга ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастури (қуйида: «МТТ давлат ўқув дастури») Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшидаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим ташкилотининг мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган, шунингдек, боланинг таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган.

МТТ Давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қуйидаги таълим ташкилотларида қўллаш учун мажбурий:

- давлат мактабгача таълим ташкилотлари;
- мактабгача таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи нодавлат ташкилотлари;
- мактабгача ёшдаги болалар гуруҳларига эга бўлган «Меҳрибонлик» болалар уйлари;
- мактабгача ва бошланғич таълимни назорат қилувчи бошқарув органлари;
- бошланғич таълимга тайёрлов гуруҳлари;
- оилавий мактабгача таълим ташкилотлари.

МТТ давлат ўқув дастури вариатив ўқув дастурларини яратишда мажбурий таянч ҳужжат ҳисобланади.

Таълим ташкилотлари Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган вариатив ўқув дастурларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мактабгача таълим ташкилоти давлат ўқув дастури асосида ўзининг МТТ ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга. Таълим ташкилотининг ишчи ўқув дастури муассаса педагоглари томонидан ота-оналарни жалб этган ҳолда тузилади ва амалдаги қонунчилик тартибида тасдиқланади.

МТТнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйилган Давлат талаблари асосида ҳамда МТТ давлат ўқув дастурига мувофиқ унинг ҳар томонлама ва баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- илк ёшдаги болаларнинг ривожланиши масалаларида ота-оналар ва жамиятда маънавият ва маърифат ишларини ташкил этиш ҳамда уларни амалга ошириш;
- илк ёшдаги болаларнинг ривожланиши масалаларида ота-оналар(оила) ва жамият билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш ва амалга ошириш.

Таълим жараёнининг мақсади ва вазифалари.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим жараёнининг мақсади - болаларда ривожланиш соҳалари бўйича таянч компетенцияларни шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборат.

Таълим жараёнининг вазифалари - мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда



ҳамда болада маънавий меъёрларни шакллантириш, ҳаётӣ ва ижтимоӣ таҷриба эгалланишини кўзда тутган ҳолда ҳар томонлама ривожлантириш.

Педагог вазифасиболаларнинг ўзига хос хусусиятларни очиш ва уларни ривожлантиришга ёрдам бериш Шунинг учун ушбу даврда мактабгача таълим ташкилотларида боланинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор берилади.

Ижодий-ривожлантирувчи муҳитни тўғри ташкил этиш - бола шахсининг ҳар томонлама етук бўлишига ижобий таъсир кўрсатади, болаларда мустақил, мақсадга интилувчан, ишни тўғри режалаштира олиш қобилиятини такомиллаштиради. Бундай вазиятда болани тўғри англаб ҳаракат қилишга ўргатади. Тарбиячилар болаларнинг ўзига хос индивидуал бўлишларини ҳурмат қилиши лозим. Болани мажбурламасдан, эркин фаолият юритиши учун имконият яратиб бериш зарур. Энг асосийси ҳамма нарса бола учун қизиқарли бўлиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг иқтидорини ривожлантиришда уларнинг қизиқувчанлиги, доимо турли саволларга жавоб ахтаришлиги, нутқи, тафаккури, хотирасининг тез ривожланиши, эрта ёшда оқ мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, математикага қизиқиши иноботга олинган ҳолда ёндашиш назарда тутилиш лозим.

Шундай қилиб, болаларнинг ўзига хос хусусиятларни очиш ва уларни ривожлантиришга ёрдам бериш ишлари тўғри ташкил этилганда ҳар бир болага ўзи ёқтирган фаолият билан машғул бўлишга, ўз кучи ва қобилиятини синаб кўришга, катталар ва тенгдошлари билан биргаликда фаолият юритишга, уларнинг ҳис-туйғулари ва ва хатти-ҳаракатларини тушуниш ва баҳолашга имкон беради, айнан шулар ривожлантирувчи таълим негизини ташкил этади.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини ташкил қилиш тамойиллари.

Жумладан, МТТ таълим жараёнининг тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- бола ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусиятлари ва салоҳиятларини ҳисобга олиш;
- таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги;
- бола саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, унинг эҳтиёжлари, шу жумладан, унинг ҳаракатланиш эҳтиёжларини қондириш;
- боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш;
- ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш;
- боланинг ривожланиши ва ижтимоӣ мослашиши учун қулай муҳит яратиш;
- бола учун хавфсиз муҳитни таъминлаш;
- МТТнинг оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги;
- миллий маданий анъаналар қадриятини ошириш ва бошқа миллатлар маданиятига ҳурмат, бошқа миллатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

Боланинг мактабгача таълим ташкилотларидаги ривожланишини қўллаб-қувватлаш жамоавий иш ҳисобланади ва унинг амалга оширилиши учун мактабгача таълим ташкилоти раҳбари жавобгар бўлади.

Қўшимча таълим хизматларини ташкил қилиш мактабгача таълим ташкилоти томонидан имкониятлардан келиб чиққан ҳолда болалар ва аҳоли эҳтиёжларига мос равишда ташкил этилади.

Қўшимча таълим хизматлари факультатив ҳисобланади ва уларни ташкил қилишда кўнгиллилар (волонтёрлар), ота-оналар ва ҳомийлар иштирок этиши мумкин.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари учун ишлаб чиқилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига ҳос бўлган хусусияти таълим жараёнига ота оналарни жалб этиш уларни таълим жараёнини иштирокчига айлантиришдан иборат.

Ота-оналар билан ҳамкорлик боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун мактабгача таълим ташкилоти ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги шакллари ташкил қилиши мумкин:

- ота-оналарнинг мактабгача таълим ташкилоти борасидаги фикрларини ҳисобга олиш;
- илк ривожланиш масалаларида ота-оналарга билим бериш;
- ота-оналарни ўқув-тарбиявий жараёнда фаол қатнашишга жалб этиш;
- ота-оналарнинг муассаса ҳаётида иштирок этиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Фойдаланган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ 595 сон Қонуни.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947 - сон Фармони.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сон қарори.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сон қарори.